# Qishloq hayoti

Қишлоқ ҳаёти

2012 йил — Мустаҳкам оила йили

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi www.qishloqhayoti.uz

2012-YIL 30-OKTABR, SESHANBA, 127 (8052)-son

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.



Ўтган йили Бухоро вилоятидаги мавжуд сув ҳавзаларидан 569 тонна балиқ овланган бўлса, бу кўрсаткични жорий йилда 850 тоннага етказиш режалаштирилган. Сабаби, бу йил вилоятдаги йирик ташкилотлар ва фермер хўжаликлари қошида 38 та янги балиқчилик хўжаликлари ташкил этилди. 2



Молия муассасаси томонидан тадбиркору фермерларга кўрсатилаётган хизматлар, йўналтирилаётган сармоялар уларнинг фаолиятини кенгайтиришга, провардида эса мамлакатимиз аграр соҳасини янада тараққий этишига ҳамда юрт ободлиги ва фаровонлигига улуш бўлиб қўшилмоқда. 3



Сўнгги йилларда Урганч шаҳрида олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари халқимизнинг улкан яратувчанлик кучқудратини намоён этмоқда. Президентимиз жорий йил 9 октябрда халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқида ҳам кейинги йилларда вилоятда амалга оширилаётган ободонлаштириш ишларига алоҳида тўхталиб ўтди. 4

САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА

## Куннинг муҳим воқеалари

▶ Фарғона шаҳрида Асакадаги «GM Uzbekistan» қўшма корхонасига бутловчи қисмлар етказиб берадиган "UZSUNGWOO" Ўзбекистон – Жанубий Корея қўшма корхонаси ишга туширилди. Корхонада "Chevrolet Cobalt" автомобили учун 180 турдан ортиқ бутловчи қисмлар ишлаб чиқарилади. Бу ерда ўрнатилган замонавий технологиялар ёрдамида йилига 120 000 автомобиль компонентларини ишлаб чиқариш мумкин. Қўшма корхонада 453 янги иш ўрни яратилди.

**▶ Андижон вилояти Жалақудуқ туманидаги саноат ва транспорт касб-ҳунар коллежи қошида ишлаб чиқариш корхонаси ташкил этилди. Асосан трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган мазкур корхона "Микрокредитбанк"нинг туман бўлимидан олинган имтиёзли кредит ҳисобига ташкил этилди. Ҳозир бу ерда коллеж ўқувчилари учун махсус кийимлар ва бошқа турдаги маҳсулотлар тайёрланмоқда.**

▶ Тошкент давлат юридик институтида "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги қонун лойиҳасини такомиллаштиришга бағишланган илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

**▶ Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида "Infolib Uzbekistan" миллий ахборот-кутубхона ҳафталиги бошланди. Тадбир Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси, Матбуот ва ахборот агентлиги, «Ўзархив» агентлиги билан ҳамкорликда ташкил этилди.**

Қорақалпоғистон Республикаси







# ХЎЖАЙЛИДА ЯНГИ ТЎҚИМАЧИЛИК КОРХОНАСИ

**Юртимизда Президентимизнинг 2008 йил 28 ноябрдаги «Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.**

Хўжайли туманида юқори сифатли калава ип ишлаб чиқарадиган "Elite stars textile" масъулияти чекланган жамияти фойдаланишга топширилди. Ўтган йилнинг март ойида бошланган қурилиш ишлари бош пудратчи «Khorezm global" МЧЖ қурувчилари томонидан амалга оширилди. «Ўзсаноатқурилишбанк» очиқ акциядорлик тижорат банки томонидан киритилган инвестиция ҳисобига замонавий ускуналар олиб келиниб, ўрнатилди. Корхона йилига 5 минг тонна калава-ип ишлаб чиқариш қувватига эга. Энг асосийси, ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг 80 фоизи экспорт қилинади.

— Коллежни тугатиб, ўз мутахассислигим бўйича ишга жойлашганимдан хурсандман, — дейди Аноргул Шарибоева. — Корхонада биз учун барча шарт-шароитлар мавжуд.

Корхона ишга тушиши билан 130 та янги иш ўрни яратилди. Ишга жойлашганларнинг 95 нафарини касб-ҳунар коллежларини битирган ёшлар ташкил этади. Корхона тўла қувват билан ишлай бошлагач, яна 70 та янги иш ўрни яратилади.

**Давуд АБИБУЛЛАЕВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

Жиззах Вилояти

▼ МУНОСАБАТ

# ЮКСАК ЭЪТИБОР НАМУНАСИ

## ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ ШУ ЙИЛ 22 СЕНТЯБРДАГИ «ЎЗБЕКИСТОНДА ФЕРМЕРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА УНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНИ ФЕРМЕРЛАР ТОМОНИДАН НИҲОЯТДА МАМНУНИЯТ БИЛАН КУТИБ ОЛИНДИ.

Мирзачўл туманидаги "Наргиза-Азизбек" фермер хўжалигининг жами ер майдони 70 гектарни ташкил этади. Хўжалик аъзолари жорий йилда 42 гектар ерда ғалла парваришлаб, шартнома режасидаги 102 тонна ўрнига 152 тонна сара дон, 25,5 гектар майдонда пахта етиштириб, 70 тонна ўрнига 105 тонна "оқ олтин" топширишди. Ушбу фермер хўжалиги раҳбари Шерали Холмуродов билан суҳбатимиз жамоанинг меҳнат фаолияти ва юртимизда фермерларга яратиб берилаётган шарт-шароитлар ҳақида бўлди.

– Давлатимиз раҳбари яқиндагина фермерларни қўллаб-қувватлаш, моддий куч-қудратини оширишга оид яна бир муҳим ва қимматли ҳужжатни –"Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонни имзолади, – дейди у. — Давлатимиз раҳбари биз — фермерларга шу қадар катта ишонч билдириб, ҳар томонлама қўллаб-қувватламоқда. Мана, бизга қандай таъриф бераётир: **"Мамлакатда фермерлик ҳаракати қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг асосий ишлаб чиқарувчисига ҳамда аграр соҳани ва у билан боғлиқ бошқа тармоқларни ҳамда ишлаб чиқаришларни янада ривожлантириш, шунингдек, аҳолининг турмуш даражаси ва сифатини ошириш учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган қудратли ижтимоий-сиёсий кучга айланиб бормоқда".**

(Давоми 2-саҳифада)

# САНОАТ КООПЕРАЦИЯСИНИНГ ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАРИ

## *Тошкентда Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ўтказилган VI Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперацион биржа ниҳоясига етди.*




Ушбу саноатчилар форуми иқтисодиётимиз реал сектори корхоналарига зарур хомашё ва кредит ресурсларидан эркин фойдаланиш, ички тармоқ ва тармоқлараро кооперация асосида узоқ муддатли хўжалик муносабатларини шакллантириш ҳамда кенгайтириш учун бозор инфратузилмасини ташкил этишга кўмаклашишга қаратилган.

Ярмарка ва биржада мамлакатимиз саноати етакчи тармоқларининг улкан салоҳияти ва имкониятлари, ишлаб чиқариш янгиликлари ҳамда маҳсулотлар намойиш этилди. Ўзбекистон саноатининг етакчи тармоқлари, корхоналар ўз маҳсулотларини ишлаб чиқариш секторлари бўйича тақдим этди. Машинасозлик, автомобилсозлик, электртехника, қурилиш саноати, металлургия, кимё, нефть-кимё, озиқ-овқат ва енгил саноат, фармацевтика ҳамда бошқа саноат тармоқлари соҳалари кенг миқёсда намойиш этилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 15 декабрда қабул қилинган «2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги қарорида халқаро кооперацияни ривожлантириш зарурлиги қайд этилган. Олтинчи марта ўтказилган Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперацион биржада Германия, Италия, Дания, Буюк Британия, Украина, Латвия, Жанубий Корея, Хитой, Польша, Россия, Туркия каби давлатлардан хорижий фирма ҳамда компанияларнинг қарийб 1200 нафар вакили қатнашди. Улар мамлакатимизнинг 1100 дан ортиқ корхона ва компаниялари томонидан павильон ҳамда стендларда бўлажак харидорларга таклиф этилган хилма-хил маҳсулот ва хизматлар билан танишди.

Корхона ва ташкилотлар ўз стендларида айни пайтда импорт қилинаётган маҳсулотлар, маҳаллий хомашё ресурсларидан фойдаланиш, ишлаб чиқаришни технологик модернизация қилиш ҳамда кооперация алоқаларини ривожлантириш асосида ишлаб чиқарилаётган маҳаллийлаштирилган маҳсулотларни намойиш этди.

Форум доирасида бўлиб ўтган корхона ва тармоқларнинг тақдимот маросимларида уларнинг техник ҳамда технологик имкониятлари тақдим этилди. Шунингдек, ҳар бир вилоят тақдимоти иштирокчиларга ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар ўртасидаги мавжуд муносабатларни янада кенгайтириш ҳамда янгиларини ўрнатиш учун шарт-шароит яратди. Ишлаб чиқариш-техник йўналишдаги тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва ускуналарни етказиб бериш ва сотиб олиш бўйича шартномалар тузилди. Айни пайтда мамлакатимизнинг барча истеъмолчилари буюмлар, қайта ишланган хомашё ва материалларни қўшимча тендерлар ўтказмасдан, тўғридан-тўғри шартномалар асосида сотиб олиш имконига эга бўлди.

(Давоми 2-саҳифада)

Наманган Вилояти

# МУҚОБИЛ ЭНЕРГИЯ – ТЕЖАМКОРЛИК МАНБАИ

## НАМАНГАН ВИЛОЯТИДА ҚУЁШ БАТАРЕЯЛАРИ ЁРДАМИДА ХОНАЛАРНИ ЁРИТИШ ВА ИСИТИШ, БИОГАЗ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КАБИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШ БЎЙИЧА МУАЙЯН НАТИЖАЛАРГА ЭРИШИЛМОҚДА

**Ўтган йили Уйчи туманининг Ёркатай қишлоғидаги 16-умумтаълим мактабига қуёш нуридан электр энергияси ҳосил қилувчи қуёш батареялари комплекси ўрнатилган эди. БМТ гранти асосида келтирилган мазкур қурилманинг зарур қувватни ҳосил қилиши учун қуёшли куннинг беш соати кифоя қилади. Бу мактабдаги 5 компьютерни ишлатиш, синф хоналарини ёритиш имкониятини яратмоқда.**

Тўрақўрғон туманидаги 48-махсус мактаб-интернатда эса қуёш қувватидан фойдаланувчи коллектор воситасида сувни иситиш йўлга қўйилди. Бу ерда ошхона, кир ювиш хонаси ва ҳаммом эҳтиёжлари учун бир кеча-кундузда мазкур усулда 600 литр сув иситилмоқда.

– Тошкентдаги "Eko-energiya" илмий марказида ишлаб чиқарилаётган қуёш батареялари экологик жиҳатдан афзаллиги билан кўпчиликка маъқул тушмоқда, – дейди вилоят табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш инспекцияси бошлиғи Собиржон Мамажонов. – Жумладан, кейинги пайтларда Учқўрғон туманининг Охунбобоев қишлоқ врачлик пункти ва Наманган шаҳридаги 26-Меҳрибонлик уйига ана шундай қурилмалар ўрнатилди.

Қайта тикланадиган қувватнинг ушбу турини амалда жорий этиш ва уни такомиллаштириш масалаларига вилоятдаги илмий доиралар ҳам манфаатдорлик билан ёндашаётганликларини алоҳида таъкидлаш лозим. Чунончи, Наманган давлат университети физика-техника факультетининг физика кафедрасида бу борадаги изланишлар кенг йўлга қўйилган. Кафедра жамоаси пойтахтдаги "Физика-қуёш" илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси билан ушбу йўналишдаги мутахассисларни тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича ҳамкорлик ўрнатгани ўз самарасини бераётир.

– Илм даргоҳимизда қайта тикланадиган қувватларнинг яна бир тури – биомасса ва биогаз технологияларидан фойдаланиш бўйича ҳам изчил изланишлар давом этмоқда, – дейди ўз шогирдлари билан ушбу йўналишда илмий тадқиқот олиб бораётган доцент Анваржон Пўлатов. – Бу борадаги хулосаларимиз Фанлар академиясининг тегишли институтларига тақдим этилган.

Шунингдек, вилоят табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан ҳам атроф-муҳитни муҳофаза қилишга қаратилган инновацион лойиҳалар, илмий тадқиқотларни амалиётга татбиқ этишни қўллаб-қувватлаш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Чортоқ туманидаги "Чортоқ ипаги" фермер хўжалигида иситишда муқобил энергия манбаи – биогаз ишлаб чиқариш технологиясининг жорий қилиниши бу борадаги амалий ишлардан биридир. Органик чиқиндилардан анаэроб, яъни ҳавосиз муҳитда ачитиш усули билан газ ёнилғиси ҳосил қиладиган қурилма ишга туширилиб, унинг ёрдамида фермернинг бир гектарга яқин иссиқхонасида ноз-неъматлар етиштирилмоқда. Биогаз қурилмаси кунига 150 кубометр табиий газ ҳосил қилиш қувватига эга. Ёнувчан газ таркибининг 70 фоизи метандан иборат бўлиб, унинг ёрдамида иссиқхонада экинлар парвариши учун талаб этиладиган мўътадил ҳароратни сақлаб туриш мумкин. Фермер муқобил энергия манбаи имкониятларидан оқилона фойдаланиб, эл дастурхонига бодринг ва помидор етказиб бермоқда.

Биогаз қурилмаси атмосферага аммиак ва метан гази чиқишини камайтириб, экологияни яхшилашга хизмат қилади. Бундан ташқари, биогаз ишлаб чиқаришдан ҳосил бўлган органик чиқиндилар қолдиғи ер унумдорлигини оширадиган органик ўғит сифатида ҳам катта аҳамиятга эга.



Дарҳақиқат, чорвачилик ва паррандачилик чиқиндиларини анаэробик муҳитда чиритиш йўли билан ёнувчан газ ҳамда экологик тоза биоорганик ўғит олишда қўлланиладиган бундай қурилмалар муқобил энергия манбалари тизимида ўз ўрнини топмоқда. Деҳқон ва фермер хўжаликлари иссиқхоналар ишини йўлга қўйишда уни энг ишончли иситиш воситаси деб билмоқдалар.

Муқобил энергия манбаларидан кенг фойдаланиш узоқ муддатли истиқболда катта иқтисодий фойда келтириш билан бирга, буғхона эффекти натижасида газ чиқаришни камайтириб, атроф-муҳит софлигини сақлаш орқали экологик барқарорликни таъминлашга катта ҳисса қўшади.

**Акрамжон САТТОРОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# САНОАТ КООПЕРАЦИЯСИНИНГ ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАРИ

**(Боши 1-саҳифада)**

Саноат ярмаркаси ва Кооперацион биржа икки босқичда ташкил этилди: биринчи босқичда ҳудудий кўргазма ҳамда тармоқ ярмаркалари бўлиб ўтган бўлса, иккинчи босқичда Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперацион биржа ўтказилди. Амалиёт ушбу тадбирларга бўлган қизиқиш тобора ортиб бораётганини кўрсатмоқда. 2011 йилда уларда 1030 хўжалик субъекти қатнашган бўлса, бу йил иштирокчилар сони 1146 тага етди. Ўтган йили тузилган шартномалар ҳажми 3,5 триллион сўмни ташкил қилди. Дастлабки маълумотларга қараганда, бу галги ярмарка якуни бўйича умумий қиймати қарийб 5 триллион сўмлик шартномалар имзоланган.

Бундан ташқари, хорижий валютада ҳам шартномалар тузилди. Негаки, ярмарка ва биржада хорижий фирма ҳамда компаниялар вакиллари фаол иштирок этиб, мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни хорижга етказиб бериш бўйича тегишли шартномалар тузди. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, қиймати 5 миллиард АҚШ долларига тенг шартномалар тузилган. Ўтган йили бу кўрсаткич 3,9 миллиард долларни ташкил қилган эди. Бу йилги ярмарка ва биржага 80 мингдан ортиқ (ўтган йили 70 минг эди) киши ташриф буюрди.

Барча тадбирлар мамлакатимиз вазирлик ва идоралари, банклари, суғурта компаниялари ҳамда стандартлаштириш ҳамда сертификатлаш соҳасига ихтисослашган ташкилотларининг мутахассислари иштирокида ўтди ва улар иштирокчиларга ўзларининг зарур маслаҳатларини берди.

Ярмарка қатнашчилари ва бу ерга ташриф буюрганлар аралаш ишлаб чиқаришларнинг талаб ва эҳтиёжларини аниқлаш, шу асосда маҳсулотларни етказиб бериш, жумладан, экспорт қилиш бўйича буюртмалар портфелини шакллантириш имконига эга бўлди.

Саноатчилар форуми саноатни юксалтиришнинг муҳим шарти сифатида ички тармоқ ва тармоқлараро кооперацияни янада ривожлантириш вазифасини ҳал этган ҳолда, узоқ муддатли хўжалик муносабатларини шакллантириш ҳамда кенгайтириш учун зарур бозор инфратузилмасини ташкил этишга кўмаклашмоқда.

Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперацион биржа якунлари, шунингдек, ҳудудий ҳамда тармоқлар кўргазмалари натижалари мамлакатимиз корхоналари саноат кооперациясининг аҳамияти тобора кучайиб бораётгани, саноатнинг етакчи тармоқлари ва кичик бизнес вакилларининг ўзаро манфаатли ҳамкорлиги ишлаб чиқаришни ташкил этиш ҳамда ўз маҳсулотларини етказиб бериш, техник эҳтиёжларни ўрганиш, бозорда харидоргир янги товар ва буюмларни ишлаб чиқаришни ўзлаштириш борасидаги мавжуд имкониятларни янада кенгайтираётганидан далолат беради. Хорижий шериклар билан инвестицион-иқтисодий ҳамкорлик соҳасида ҳам янги истиқболлар очилмоқда. Бундай кўп томонлама ўзаро манфаатли ҳамкорлик мамлакатимиз иқтисодиётини янада ривожлантиришга хизмат қилиши, шубҳасиз.

**Виктор НИКОЛАЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

# ЮКСАК ЭЪТИБОР НАМУНАСИ

**(Боши 1-саҳифада)**

Сатрларни ўқирканман, кўнглимда бу ишончни янада бекаму кўст оқлаш учун нима қилмоқ керак, деган савол туғилди. Бу савол жавобини ҳам Фармоннинг ўзидан топдим. Унда **"Биринчи навбатда гап фермер хўжаликларини янада такомиллаштириш ва уларнинг самарадорлигини ошириш, ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш, ер-сув ресурсларидан ва яратилган ишлаб чиқариш салоҳиятидан фойдаланишда, қишлоқни жадал ривожлантириш ва ободонлаштиришда, аҳоли бандлиги ва фаровонлигини таъминлашда уларнинг ролини кучайтириш тўғрисида бормоқда"** дейилганки, бу гаплар биз фермерлар учун қимматли қўлланмадир. Айнан шунинг учун ҳам биз ўз фермер хўжалигимизда бу йил оладиган 80 миллион сўм соф фойдамизнинг 10 миллион сўмини қишлоғимиз ободончилигига, 20 миллион сўмни фермер хўжалигимиз қошида паррандачиликни ташкил этишга сарф этмоқчимиз. Хўжалигимизга яна уч нафар ёшларни ишга таклиф этдим.



*Шерали Холмуродов келаси йил ҳосили учун экилган ғалла ҳолатини кўздан кечирмоқда.*

Шерали Холмуродов бундан етти йил олдин 40 гектар ер олиб, фаолият бошлаганди. У бошлиқ жамоа ғаллачилик соҳасида ҳам, пахтачиликда ҳам барча агротехник тадбирларни ўз вақтида, сифатли ўтказишга эътибор қаратишади. Ғаллани суғориш, ўғитлаш, бегона ўтлардан тозалаш, касаллик ва зарарли ҳашаротлардан муҳофаза этиш дейсизми, пахтачилик соҳасидаги шу ишлар қатори яганалаш, чилпиш каби ишларнинг барчасини пухта, бекаму кўст, бажаришади. Ҳар туп ғалла ва ғўзага алоҳида меҳр кўрсатишади. Бунинг самараси эса, уларнинг биринчи йилги меҳнат натижаларидаёқ ўзини кўрсатди. Ҳар гектар ғаллазордан 42, пахтазордан 27 центнердан ҳосил кўтарилди.

Жамоанинг бу йилги натижаси ҳам анчайин салмоқли бўлди. Бунинг эвазига фермер "Ласетти" автомашинаси ва "Беларусь" чопиқ трактори олишни режалаштирган. Шубҳасиз, фермер хўжалиги аъзолари янада улкан марраларни забт этишади. Буни жамоанинг Бердали Холмуродов, Бахтиёр Назаров, Муҳрбой Ўтегенов, Шербўта Холмуродов, Турдиали Холмуродов каби ишчи ва механизаторларининг ғайрат-шижоатидан ҳам билиш мумкин.

– Президентимизнинг ушбу Фармони фермер хўжаликлари фаолиятини янада ривожлантириб, элюрт олдидаги масъулият ва ташаббускорлигини оширади, – дейди Шерали Холмуродов суҳбатимиз якунида.

**Келдиёр ЖЎРАҚУЛОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан кардиохирургия соҳасида эришилаётган ютуқларга бағишланган анжуман ташкил этилди. Унда соҳа мутахассислари, олим ва шифокорлар иштирок этди.

# САЛОМАТЛИКНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

Анжуманда таъкидланганидек, Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда сифат жиҳатидан янги, энг юксак талабларга жавоб берадиган бирламчи тиббиёт, республика ҳамда вилоятлар шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш ҳамда хирургия, кардиология, урология, кўз микрохирургияси, акушерлик ва гинекология, терапия ва тиббий реабилитация каби ўнлаб йўналишлардаги ихтисослаштирилган марказларни ўз ичига олган тиббиёт муассасаларининг мукаммал тармоғи яратилди.

Мамлакатимиз тиббиёт тизимида амалга оширилаётган ана шу туб ислоҳотлар жараёнида аҳолига кардиология йўналишида кўрсатилаётган хизматлар кўламини янада кенгайтириш, профилактика ва диагностика ишлари самарадорлигини ошириш ҳамда тиббий маданиятни юксалтиришга қаратилаётган эътибор ўзининг юксак самараларини бераётир. Бугун юртимиз кардиохирурглари томонидан энг мураккаб жарроҳлик амалиётлари муваффақиятли ўтказилмоқда.

Республика ихтисослаштирилган Хирургия маркази, Республика Шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази, Тошкент Педиатрия тиббиёт институти клиникаси ва Хоразм вилояти кардиология ҳамда Наманган вилояти кардиология марказларида олиб борилаётган мураккаб жарроҳлик амалиётлари фикримизнинг ёрқин далилидир.

Биргина Республика ихтисослаштирилган Хирургия марказида ўткир миокард инфаркти, буйрак томирларининг шикастланиши, қорин бўшлиғи, қўл-оёқ томир тизими касалликлари бўйича мураккаб операцияларини амалга ошириш услуби пухта ўзлаштирилди. Микрохирургия ва кардиохирургия хизматини ривожлантиришга эришилди. Операциялар юрак очилган ҳолда ҳам, у ишлаб турган пайтда сунъий қон айлантириш аппарати уланмасдан ҳам амалга оширилмоқда. Марказ минтақамизда жигар церрози ва унинг асоратларини жарроҳлик йўли билан даволаётган ягона клиникадир.

Анжуманда журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларига жавоб олдилар.

**Саида РАҲМОНБЕРДИЕВА**

Сирдарё Вилояти

# СИРДАРЁДА ҲОСИЛ БАЙРАМИ

## ЖОРИЙ ЙИЛДА СИРДАРЁЛИК ПАХТАКОРЛАР ШАРТНОМА РЕЖАСИДАГИДАН 2 МИНГ ТОННА КЎП — ЖАМИ 245 МИНГ ТОННА ЮҚОРИ СИФАТЛИ ПАХТА ЕТИШТИРИШДИ. ҲОСИЛНИНГ 90 ФОИЗИ БИРИНЧИ НАВЛАРГА ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ.

Оқолтин туманида бўлиб ўтган ҳосил байрамида муваффақиятларнинг асосий омили яратиб берилган шароитларда эканлиги таъкидланди.

Сирдарёлик деҳқонларнинг мўл ҳосил етиштиришдаги ўзига хос омилкорлиги, ғайрат-шижоатлари, Президентимиз раҳнамолигида фермер хўжаликларини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уруғ, ўғит ва ёнилғи мойлаш материаллари етказиб беришда алоҳида ғамхўрликлар кўрсатилаётганлиги, бугунгидек юксак хирмонда ўз самарасини намоён этмоқда.

Шуниси эътиборга моликки, вилоятдаги 1300 дан ошиқ фермер хўжалиги биринчи терим ҳисобига шартнома режаларини ошириб уддалади. Оқолтин туманидаги "Тажриба", "Нурафшон орзуси", "Бектемиров Зуфар", Боёвут туманидаги "Нурфайз", Гулистон туманидаги "Тоғли бургут ўлкаси", Сайхунобод туманидаги "Қоратой Мирзаев", Сирдарё туманидаги "Умирбек", Ховос туманидаги "Ислом чавандоз", "Каримовлар сулоласи", "Аҳмад Хўжаев" каби фермер хўжаликлари пахтакорлари гектаридан 40-52 центнердан "оқ олтин" хирмони тиклаб, бой тажриба ва катта интилишлар, албатта, юқори самара беришини исбот этдилар.

Фермерларнинг ерга, мулкка муносабатлари тубдан ўзгарганлиги, давлатимиз томонидан ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича кенг миқёсдаги ишлар амалга оширилганлиги, энг асосийси, деҳқонларнинг йилдан-йилга моддий манфаатдорлиги ошиб бораётганлиги ютуқлар кўламини кенгайишига хизмат қилаётир.

— Туманда биринчилардан бўлиб фермер хўжалиги ташкил этгандик, — дейди Оқолтин туманидаги "Тажриба" фермер хўжалиги раҳбари Икромжон Абдуллаев. — Ўшанда 3 гектар майдонда фаолиятимизни бошлагандик. Бугунга келиб экин майдонимизни 73 гектарга етказдик. Жорий йилда 37 гектар ғалла майдонининг гектаридан 50 центнердан, 17,6 гектар пахта майдонининг гектаридан 51,5 центнердан юқори навли ҳосил олдик. Ғалла ва пахтачиликдан қилинган соф фойда 67 миллион сўмдан ошаётир. Давлатимиз томонидан яратилаётган қатор қулайликлар сабабли шундай натижаларга эришяпмиз.

Тадбирда вилоят ҳокими О.Ашурматов иштирок этди.

**Бозорбой БЕКМУРОДОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

▼ 2012 ЙИЛ – МУСТАҲКАМ ОИЛА ЙИЛИ

# Оила фаровонлиги учун сармоялар

**Президентимиз раҳнамолигида аҳоли фаровонлигини янада ошириш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар ўз самарасини бермоқда. Мамлакатимизда жамиятнинг асосий бўғини бўлган оилани мустаҳкамлаш, айниқса, ёш оилаларнинг ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастурида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, "Микрокредитбанк" ОАТБ томонидан ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда.**



*"Оила фаровонлиги учун" хизматлар мажмуаси кўплаб оилалар мустаҳкамлигига хизмат қилмоқда.*

Жумладан, банк томонидан "Оила фаровонлиги учун" деб номланган хизматлар мажмуаси тақдим этилмоқда. Банкнинг мазкур янги хизматлари жисмоний шахсларга мўлжалланган бўлиб, оила учун ҳар томонлама қулайликлар, имкониятлар яратиш, оиладаги фарзандларнинг замонавий, илғор кишилар бўлиб улғайишларига кўмаклашиш, оила даромадларини кўпайтиришга хизмат қилади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, "Микрокредитбанк" очиқ акциядорлик тижорат банкининг кам фоизли микросармоялари қулайлиги билан ажралиб туради. Шу боис, банк сармоялари юртимиздаги кўплаб кичик бизнес вакиллари, айниқса, оилавий тадбиркорларнинг жонига оро кирмоқда.

Боёвутлик Раҳматилла Каримов ҳам ака-укаларини ёнига олиб, оилавий тадбиркорликни йўлга қўйди. Банк томонидан ажратилган 50 миллион сўмлик микролизинг ҳисобига замонавий ускуналар келтириб, ўрнатилди, макарон маҳсулотлари ишлаб чиқарила бошлади. Ҳозирда саккиз нафар киши меҳнат қилаётган мазкур корхонада иш қизғин кетмоқда. Маҳсулот тури ўнга етди.

Бугун кўплаб тадбиркорлар Раҳматилла Каримов сингари банк билан ҳамкорлик қилиб, ўз мақсадларига етмоқда, оиласи фаровонлигини ошириб, юртга нафи тегмоқда. Буни банк томонидан шу йилнинг ўтган даври мобайнида ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш мақсадида 3 минг 700 дан зиёд ёш оилага 25,7 миллиард сўмлик сармоя йўналтирилганлигида ҳам кўриш мумкин.

**Анвар БОТИРОВ**

## ҒАЛЛАКОРЛАРНИНГ БУГУНГИ ЮМУШЛАРИ

Андижон Вилояти

# МАЙСАЛАР ТИНИМ ДАВРИГА ТУПЛАБ КИРАДИ

Бўз туманидаги Баҳодир Турдиев раҳбарлик қилаётган "Ферузбек Қодиров" фермер хўжалигида 27 гектар майдонда пахта, 40 гектар майдонда ғалла етиштирилади.



*Қодиржон Турдиев ўғли Баҳодир билан.*

Хўжаликда шартнома режаларини бажариш борасида эса йилдан йилга ўсиш кузатиляпти. Хўжалик аъзолари жорий йилда ҳар гектар ғаллазордан 60 центнердан ошириб ҳосил олишди. Давлатга 142 тонна уруғлик ғалла топширилди. Ғаллачиликдан 85 миллион сўм даромад олишди. Пахтадан ҳам мўл ҳосил тўпланди. Тайёрланган 120 тонна пахтанинг барчаси юқори навларга топширилди. Бу ҳам даромаднинг ошишида муҳим омил бўлди. Даромаднинг ошиши хўжалик моддий-техника базасини мустаҳкамлашга хизмат қиляпти. Ўтган даврда учта трактор, кўплаб бошқа техника воситалари сотиб олинди.

Айни пайтда хўжалик аъзолари келгуси йил ҳосили учун 40 гектар ерга буғдой экиб, текис кўчат олишди. Бугун ғаллазорга қараб, ҳавасингиз келади. Олди майдонларда буғдой майсаларида туплаш жараёни бораётир. Кузда туплаган буғдой кўчати тиним даврига бақувват киради ва эрта баҳордаёқ илдам ривожланиб кетади.

— Биринчи терим ўтказилган ғўза қатор оралари пешма-пеш культивация қилиниб ер юмшатилди, — дейди Баҳодир Турдиев. — Шундан сўнг махсус мослама билан уруғ сочдик. Ерга уруғ тушиши биланоқ сув қўйишга киришдик. Ғўзапояни пешма-пеш олиб боряпмиз. Ғўзапоядан ҳоли бўлган даладаги буғдой майсалари очиқ майдонлардагидек ривожланяпти.

**Қобилжон АСҚАРОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

Бухоро Вилояти

▽ БАЛИҚЧИЛИК



# КЎЛДАГИ ХАЗИНА

***Айни кунда табиий кўл ва сунъий сув ҳавзаларини кузги балиқлантириш мавсуми давом этмоқда.***

— Ҳар йилгидек бу йилги балиқлантириш мавсумига пухта тайёргарлик кўрилди, — дейди вилоят балиқчилик хўжаликлари уюшмаси раиси Хусен Ғаффоров. — Вилоятимиздаги мавжуд 124 та балиқчилик хўжалигига қарашли сув ҳавзаларига 7 миллион дона зоғора, карп, оқ дўнгпешона ва оқ амур каби балиқ чавоқлари ташланиши кўзда тутилган. Ҳозирда "Бухоробалиқ", "New zero star plus", "Иброҳим Қосимий" каби МЧЖлар томонидан 5,5 миллион донадан ортиқ балиқчалар тайёрланиб, хўжаликларга етказиб берилмоқда.

Ўтган йили вилоятдаги мавжуд сув ҳавзаларидан 569 тонна балиқ овланган бўлса, бу кўрсаткични жорий йилда 850 тоннага етказиш мақсадидамиз. Чунки бу йил вилоятдаги йирик ташкилотлар ва фермер хўжаликлари қошида 38 та янги балиқчилик хўжаликлари ташкил этилди. Шунингдек, сув ҳавзаларига ўтган йилларга қараганда майда балиқлар кўп ташланган.

Балиқчилик хўжаликларини зарур асбоб-анжомлар, омихта ем маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида ҳам аниқ режалар белгилаб олинди.

**Ҳамроз АЛИ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

Хоразм Вилояти

# ФЕРМЕРЛАР МАНФААТИ – ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

**Маълумки, эркин бозор иқтисодиёти шароитида томонлар ўртасидаги шартномавий муносабатлар шартнома тузувчи томонларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини, моддий фаровонлиги ва юксалишини белгилаб беради. Шу боис, Хоразм вилояти адлия органлари томонидан мунтазам равишда томонлар ўртасидаги шартномавий мажбуриятларнинг бажарилишини назорат қилиш, мониторинг тадбирларини амалга ошириш каби қонуний назорат тадбирлари амалга ошириб келинмоқда.**

Жумладан, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида вилоят адлия бошқармасига шартномавий-ҳуқуқий масалалар бўйича 32 та шикоят аризалари келиб тушган. Шундан 28 таси кўриб чиқилиб, 14 таси қаноатлантирилган, яна шунчасига ҳуқуқий тушунтиришлар берилган. Қолган 4 таси эса тегишлилиги бўйича бошқа ташкилотларга юборилган. Шунингдек, бошқарманинг "Ишонч" телефонига шартномавий муносабатларга оид 11 та мурожаат қилинган бўлиб, шундан 10 таси қаноатлантирилган ва биттасига ҳуқуқий тушунтириш берилган.

Мисол тариқасида айтадиган бўлсак, Қўшкўпир туманидаги "Донахон Кумуш толаси" фермер хўжалиги билан "Қўшкўпир пилла" МЧЖ ўртасида 2011 йил 15 январда тузилган контрактация шартномасига биноан фермер хўжалиги 2011 йил ҳосилидан жавобгарнинг манзилига белгиланган муддатларда 4 миллион 750 минг сўмлик 1655 килограмм пилла етказиб берган.

Шартноманинг 4.4-бандига асосан, жавобгар хўжаликдан пиллаларни қабул қилиб олганидан кейин 60 кундан кечиктирмаган муддатда унинг ҳақини тўлиқ тўлаши лозим эди. Аммо топширилган пилла қийматининг бир қисми, яъни 377,7 минг сўм тўланмасдан келинган.

Шартноманинг 5.3-бандида етказиб берилган пилла ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун "Тайёрловчи" "Хўжалик"ка кечиктирилган ҳар бир кун учун тўланмаган сумманинг 0,4 фоизига тенг, лекин асосий қарзнинг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлаши белгиланган.

Шунга кўра, жавобгардан фермер хўжалиги фойдасига 377,7 минг сўм асосий қарзни ва тўловни кечиктирган ҳар бир кун учун тўланмаган сумманинг 0,4 фоизи миқдорида кечиктирилган 125 кун учун 188,8 минг сўм пеня ундириш юзасидан фермер хўжалиги манфаатини кўзлаб адлия органи томонидан вилоят хўжалик судига даъво аризаси киритилди ва ариза қаноатлантирилиб, асосий қарз ҳамда пеня ундириб берилди.

Бундан ташқари, вилоят миқёсида ўтказилган текширишлар натижаларига кўра, хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги шартномалар тузилишига доир 2942 та, уларнинг бажарилиши юзасидан 2184 та, бошқа қонунбузилишларига оид 598 та — жами 5724 та ноқонуний ҳолатлар аниқланди ва тегишли тартибда чоралар кўрилди.

Вилоят адлия бошқармаси томонидан фуқаролар, тадбиркорлик субъектлари ва фермер хўжаликларининг манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган тадбирлар давом эттирилмоқда.

**Равшанбек НЕЯЗМЕТОВ,**
**Хоразм вилояти адлия бошқармасининг Шартномавий-ҳуқуқий ишларни назорат қилиш бўлими бош маслаҳатчиси.**

Андижон Вилояти

▼ МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИДА

# ҚУЛАЙ ИШБИЛАРМОНЛИК МУҲИТИ

## ТАДБИРКОРЛАР ФАОЛИЯТИДА МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТАЁТГАН АНА ШУ ЖАРАЁНДА БАНКЛАРНИНГ ҲАМ МУНОСИБ УЛУШИ БОР

**— Бизнинг корхонамиз қурилиш материаллари ишлаб чиқаради. Фаолиятимизда Президентимизнинг 2009 йил 19 июндаги "Деворбоп материаллар ишлаб чиқаришни кўпайтиришни рағбатлантириш ва сифатини яхшилаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори муҳим аҳамият касб этмоқда. Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка қаратилаётган эътибор натижасида биз — тадбиркорларга катта қулайлик ва имтиёзлар яратиб берилмоқда, бундан жуда мамнунмиз. Хусусан, банкнинг мададини олайлик. Қурилиш ашёлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мақсадида банкка лойиҳамизни тақдим қилдик. У банк томонидан қўллаб-қувватланди. "Агробанк"нинг ҳудудий филиали томонидан бизга 180 миллион сўм кредит ажратилди. Бунинг эвазига 12 киши ишли бўлди. Айни пайтда корхонада бир кеча-кундузда ўн минг дона пишиқ ғишт ишлаб чиқарилмоқда. Келгусида фаолиятимизни янада кенгайтириб, иш ўринларини кўпайтирмоқчимиз.**

**Бу Андижон шаҳридаги "Саркор қурилиш монтаж" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Абдужалил Ғаффоровнинг фикрлари.**










Дарҳақиқат, бугун кўплаб тадбиркорлар билан сўзлашсангиз, мамлакатимизда тадбиркорлар учун қулай ишбилармонлик муҳити яратилганини таъкидлашади. Ва, албатта, бу жараёнда банкларнинг фаолиятини эътироф этишади.

Жумладан, Шаҳрихон тумани Гулистон қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги "Альфа" илмий ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари Ҳасанбой Содиқов сингари.

– Фаолиятимизни кенгайтиришни мақсад қилгандик, – дейди у. – Трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш истиқболли соҳа эканлиги боис, лойиҳа ишлаб чиқдик. Уни банкка тақдим қилдик. Банк жамоаси кўриб чиқиб, лойиҳамизни маъқуллашди. 150 миллион сўм сармоя ажратишди. Техника ва технология олиб келдик. Мана фаолиятимизда улар қўл келяпти. Ҳозирда корхонамиз бир йилда 3 минг дона маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга. 15 та янги иш ўрни яратдик. Уларга касб-ҳунар коллежларини битирган ёшларни жалб қилдик. Қарангки, банкнинг мадади билан ишимиз юришиб кетди.

Тадбиркор Абдужалил Ғаффоров ва Ҳасанбой Содиқовлар миннатдорлик билдирган "Агробанк"нинг Андижон вилоятида 16 та филиали, кўплаб шохобча ва минибанклари бор. Улар орқали 23 мингдан зиёд мижозга сифатли банк хизмати кўрсатиб келинмоқда.

Банк сармоялари тараққиёт ва фаровонликка хизмат қилаётганини биргина мана бу мисолда ҳам кўриш мумкин. Банк томонидан жорий йилнинг 1 октябрь ҳолатига кўра, тадбикорларга 22,2 миллиард сўм кредит ажратилган. Ушбу сармоя эвазига 2800 дан зиёд янги иш ўрни яратилди.

Шунингдек, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш мақсадида банк томонидан 1,4 миллиард сўм сармоялар йўналтирилди.

Йил давомида ички истеъмол бозорини юртимизда етиштирилган, ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан барқарор ва ишончли тарзда тўлдириш, сақлаш, уларнинг ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, турини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш янада долзарб аҳамият касб этмоқда.

Президентимизнинг 2009 йил 26 январдаги "Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ҳамда 2009 йил 28 январдаги "Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорлари бугунги кунда амалий ижросини топмоқда.

Ички бозорларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлиқ таъминлаш мақсадида жорий йилнинг ўтган даври мобайнида банкнинг шаҳар ва туман филиаллари томонидан 7 миллиард 200 миллион сўм, ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш учун 5 миллиард 700 миллион сўм кредит маблағлари ажратилди.

Аёлларнинг иқтисодий фаолиятдаги иштирокини кенгайтириш, тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган хотин-қизларни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий йилнинг ўтган даври мобайнида банк томонидан тадбиркор аёлларга ажратилган кредитлар 4,1 миллиард сўмни ташкил қилди.

Шунингдек, "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастурида белгиланган вазифаларда қайд этилганидек, ёш оилаларга эътибор ва ғамхўрликни кучайтириш, уларни ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилишни таъминлаш, моддий ва маънавий жиҳатдан кенг қўллаб-қувватлаш, шу жумладан қулай ва шинам уй-жой билан таъминлаш, зарур имтиёз ва афзалликлар бериш борасида молия муассасаси томонидан ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Банк томонидан жорий йилнинг ўтган 9 ойи давомида ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш учун 837 миллион сўм, шу билан бирга, оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни тараққий эттиришга 606,3 миллион сўм миқдорида микрокредитлар йўналтирилди.

Шуни қайд этиш керакки, айни пайтда деҳқон ва фермер хўжаликларида истиқболли тармоқларни янада ривожлантиришга алоҳида аҳамият қаратилиб, банклар томонидан сармоялар ажратилмоқда. Натижада бу ўз самарасини бериб, фермерларнинг қўшимча даромадлари ҳам ошмоқда.

Юртбошимизнинг 2008 йил 21 апрелдаги "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллар кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори асосида деҳқон ва фермер хўжаликларида истиқболли тармоқларни янада тараққий эттириш мақсадида банкнинг филиаллари томонидан жорий йилнинг ўтган даврида жами 983,9 миллион сўм миқдорида кредитлар берилди.

Жумладан, 2012 йил 1 октябрь ҳолатига кўра банк томонидан асаларичиликни янада ривожлантиришга 10 та мижозга 164,5 миллион сўм ҳамда балиқчиликка 21 та мижозга 588 миллион сўм кредитлар ажратилди.

Бундан ташқари, таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш, шу орқали уларнинг иш билан бандлигини таъминлаш мақсадида банкнинг шаҳар ва туман филиаллари томонидан 343 миллион сўм миқдорида кредитлар йўналтирилди.

Зеро, молия муассасаси томонидан тадбиркору фермерларга кўрсатилаётган хизматлар, йўналтирилаётган сармоялар уларнинг фаолиятини кенгайтиришга, провардида эса мамлакатимиз аграр соҳасини янада тараққий этишига ҳамда юрт ободлиги ва фаровонлигига улуш бўлиб қўшилмоқда.

**Озод ОЧИЛОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

Тошкент Вилояти

**Чинозлик ҳунарманд Дилшод Ражаматов бундан тўрт йил аввал "Дониёр Гулрух" хусусий корхонасини ташкил этган эди. Дастлаб корхона аҳолининг мебель ва турли хилдаги уй жиҳозларини таъмирлай бошлади. Кейинроқ корхона томонидан мебель ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.**

## ХАРИДОРГИР МАҲСУЛОТААР ИШЛАБ ЧИҚАРИЛМОҚДА

Ҳозирда корхонада ишлаб чиқарилаётган замонавий эшик-ромлар, мебель ва уй жиҳозлари ҳар жиҳатдан харидоргир.

— "Иш қуролинг соз бўлса, машаққатинг оз бўлар", дея бежиз айтишмаган экан, — дейди Дилшод Ражаматов. — Уч йил аввал "Ҳамкорбанк"дан 280 миллион сўм кредит олиб, замонавий мебель ишлаб чиқарувчи технологияларни харид қилдигу барча ишларимиз юришиб кетди. Ишчиларимиз сони ҳам 8 нафардан ошди.

Маҳсулотларимизга талаб катта бўлаётир. Корхонамизга замонавий лойиҳалар асосида қишлоқларда бунёд этилаётган уй-жойлар, мусиқа ва санъат мактабларининг эшик-ромлари учун буюртмалар тушяпти. Шунингдек, сирдарёлик қурувчилар ва савдо ташкилотларидан ҳам харидорлар келишмоқда. Яқинда алюмин ромлар ишлаб чиқарувчи янги цех ишга тушириш ниятидамиз.

**Иброҳим ТОШЕВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

○ Эълон

## «KO`CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖНИНГ ҲУДУДИЙ ФИЛИАЛЛАРИ БАРЧА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ, ШУ ЖУМЛАДАН, КИЧИК БИЗНЕС ВАКИЛЛАРИ ҲАМДА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛАРНИ ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

### АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

**I. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Андижон вилояти Андижон шаҳар ҳокимининг 2011 йил 2 сентябрдаги 623 К-сонли ҳамда 2011 йил 26 сентябрдаги 676 К-сонли қарорларига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи такроран танловга қўйилмоқда:**

**1.** Гўшт-сут ишлаб чиқариш биноси қуриш учун, Ўш кўчаси 35-манзил, 2-зонаси ҳудудида жойлашган 1 дона, 2500,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 1 935 875 сўм.

**2.** Ишлаб чиқариш биноси қуриш учун, А.Темур шоҳ 35 Б-манзил, 1-зонаси ҳудудида жойлашган 2 дона, ҳар бири 2500,0 кв.м.дан ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳар бир ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 1 935 875 сўмдан.

**3.** Маиший хизмат кўрсатиш биноси қуриш учун, Қўшариқ даҳаси ҳудуди, 1-зонасида жойлашган 1 дона, 144,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 111 506 сўм.

**4.** Ҳаммом, сауна ва сартарошхона биноси қуриш учун, Шимолий кичик даҳа ҳудуди, 1-зонасида жойлашган 1 дона, 216,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 167 260 сўм.

**5.** Қурилиш материаллари сотиш биноси қуриш учун, "Жума бозор" МФЙ ҳудуди, 2-зонасида жойлашган 1 дона, 144,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати -104 649 сўм.

**6.** Мевали боғ ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш учун, Бўстон даҳаси ҳудуди, 2-зонасида жойлашган 18 дона, ҳар бири 400,0 кв.м.дан ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳар бир ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 290 692 сўмдан.

**7.** Савдо дўкони биноси қуриш учун, Бўстон даҳаси, У.Юсупов кўчаси бўйида қурилиш режалаштирилаётган савдо мажмуаси ҳудудидаги, 2-зонасида жойлашган 24 дона, ҳар бири 36,0 кв.м.дан ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳар бир ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 26 162 сўмдан.

Мажбуриятларини бажариш муддати 2013 йил июнь.

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Андижон шаҳар архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириғи нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади. Мажбуриятларни бажариш танлов ғолиби билан танлов мажбуриятларини бажариш тўғрисида шартнома тузилган кундан бошлаб, юқорида кўрсатилган муддатда амалга оширилиши лозим.

Ер участкасига бўлган чекланган (мажбуриятлар олинган) ҳуқуқлар мавжуд эмас.

Танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш билдиришнома матбуотда эълон қилинган кундан бошланади ва 2012 йил 15 ноябрь куни соат 18:00 да тўхтатилади.

Талабгорлар танловда иштирок этиш учун буюртманома берилишидан олдин ер участкасига бўлган ҳуқуқ минимал қийматининг 10 фоизи миқдоридаги закалатни закалат келишувига асосан танлов ташкилотчисининг мазкур билдиришномада кўрсатилган банк ҳисобрақамига тўлашлари шарт.

Танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Андижон шаҳар ҳокимлиги биносида 2012 йил 16 ноябрь куни соат 11:00 да очилади, 2012 йил 16 ноябрь куни соат 16:00 да мазкур ҳокимлик биносида танлов ғолиби аниқланади. Комиссия томонидан танлов таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор танлов ғолиби деб топилади.

Юқоридаги ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи 2012 йил 16 ноябрдаги танловда сотилмаган тақдирда, унинг такрорий танлов савдоси 2012 йилнинг 27 ноябрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Такрорий танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш 2012 йил 26 ноябрь куни соат 18:00 да тўхтатилади.

Такрорий танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Андижон шаҳар ҳокимлиги биносида 2012 йил 27 ноябрь куни соат 11:00 да очилади, 2012 йил 27 ноябрь куни соат 16:00 да мазкур ҳокимлик биносида танлов ғолиби аниқланади.

**Танлов ташкилотчиси** - "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ Андижон вилояти филиали. Танлов ташкилотчисининг манзили: Андижон вилояти Андижон шаҳар Навоий шоҳ кўчаси 30-уй, 105-хона, Давлат мулк қўмитаси Андижон вилояти бошқармаси биноси. Тел/факс: (8-374) 224-36-88, электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz. Расмий сайтимиз: www.1kms.uz. **Лицензия №** RR 0001.

Танловда қатнашиш истагида бўлган талабгорлар танлов ташкилотчисидан танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдоридаги ҳақ эвазига олади.

Талабгорлар танловда иштирок этиш учун танлов ташкилотчисига буюртма хат билан бирга қуйидаги ҳужжатлар илова қилинган буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

- юридик шахслар - давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда унинг танловда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;
- жисмоний шахслар - паспорт нусхаси (якка тадбиркор сифатида фаолият юритаётган жисмоний шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси), танловда ваколатли вакил қатнашганда ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;
- танлов ташкилотчисининг банк ҳисобрақамига закалат тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатидан нусха;
- танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ тузилиб, муҳрланган конвертларга жойлаштирилган икки нусхадаги танлов таклифлари.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг имзоси, агар талабгор юридик шахс бўлса, унинг муҳри ва ваколатли шахснинг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Танлов ҳужжатларини олиш учун тўловлар ва закалат пулини тўлаш учун танлов ташкилотчисининг банк реквизитлари: АТБ "Савдогарбанк" Андижон филиалининг Андижон шаҳар, ҳ/р: 20208000104920609005, МФО: 00081, СТИР: 207122519.

Танлов ҳужжатлари ва қўшимча маълумотлар олиш мумкин бўлган манзил: Андижон вил. Андижон ш. Навоий шоҳ кўчаси 30-уй, 105-хона, Давлат мулк қўмитаси Андижон вилояти бошқармаси биноси. Мурожаат учун телефонлар (8-374) 224-37-86, 224-36-88.

### ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

**I. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Фарғона вилояти Ўзбекистон тумани ҳокимининг 2012 йил 22 октябрдаги №1929-сонли алоқа хати ва 2012 йил 22 октябрдаги №102-Ф-сонли фармойишига асосан ер участкалари тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга жами 14 (ўн тўрт) та ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи танловга қўйилмоқда:**

**1.** Темир-бетон маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва тош майдалаш цехи қуриш учун, Ўзбекистон тумани Қайнар ҚФЙ Янги ҳаёт қишлоғи 2-зона ҳудудида жойлашган 1 дона қурилиш ости майдони 30 000 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 12 783 960 сўм.

**2.** Иссиқхона қуриш учун, Ўзбекистон тумани Охунбобоев ҚФЙ Худоёрхон қишлоғи 2-зона ҳудудида жойлашган 1 дона қурилиш ости майдони 1 000 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 426 132 сўм.

**3.** Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш биноси қуриш учун, Ўзбекистон тумани Охунбобоев ҚФЙ Худоёрхон қишлоғи 2-зона ҳудудида жойлашган 1 дона қурилиш ости майдони 250 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 106 533 сўм.

**4.** Спорт зал, савдо дўкони ва маиший хизмат кўрсатиш биноси қуриш учун, Ўзбекистон тумани Ғаниобод ҚФЙ Пастки қўриқ қишлоғи 2-зона ҳудудида жойлашган 1 дона қурилиш ости майдони 2 000 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 852 264 сўм.

**5.** Савдо дўкони қуриш учун, Ўзбекистон тумани Яйпан шаҳар, А.Навоий кўчаси 2-зона ҳудудида жойлашган 1 дона қурилиш ости майдони 100 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 42 613 сўм.

**6.** Спорт комплекси қуриш учун, Ўзбекистон тумани Овчи ҚФЙ Овчи қишлоғи 2-зона ҳудудида жойлашган 1 дона қурилиш ости майдони 2 500 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 1 065 330 сўм.

**7.** Гипс ишлаб чиқариш цехи қуриш учун, Ўзбекистон тумани Шўрсув ШФЙ 2-зона ҳудудида жойлашган 1 дона қурилиш ости майдони 3 000 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 1 278 396 сўм.

**8.** Гипс ишлаб чиқариш цехи қуриш учун, Ўзбекистон тумани Шўрсув ШФЙ 2-зона ҳудудида жойлашган 1 дона қурилиш ости майдони 3 500 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 1 491 462 сўм.

**9.** Савдо дўкони қуриш учун, Ўзбекистон тумани Қизил қақир ҚФЙ Қизил қақир қишлоғи 2-зона ҳудудида жойлашган 1 дона қурилиш ости майдони 40 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 170 453 сўм.

**10.** Чинни маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехи қуриш учун, Ўзбекистон тумани Мингтут ҚФЙ 2-зона ҳудудида жойлашган 1 дона қурилиш ости майдони 4 000 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 1 704 528 сўм.

**11.** Савдо дўкони ва чойхона қуриш учун, Ўзбекистон тумани Яйпан шаҳар М.Яйпоний кўчаси 2-зона ҳудудида жойлашган 1 дона қурилиш ости майдони 4 00 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 170 453 сўм.

**12.** Тўйхона қуриш учун, Ўзбекистон тумани Яйпан шаҳар, А.Навоий кўчаси 2-зона ҳудудида жойлашган 1 дона қурилиш ости майдони 1 200 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 344 412 сўм.

**13.** Ошхона қуриш учун, Ўзбекистон тумани Яйпан шаҳар, А.Навоий кўчаси 2-зона ҳудудида жойлашган 1 дона қурилиш ости майдони 100 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 28 701 сўм.

**14.** Савдо дўкони қуриш учун, Ўзбекистон тумани Яйпан шаҳар, А.Навоий кўчаси 2-зона ҳудудида жойлашган 1 дона қурилиш ости майдони 100 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 28 701 сўм.

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Ўзбекистон тумани архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириғи нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади.

Танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш билдиришнома матбуотда эълон қилинган кундан бошланади ва 2012 йил 3 декабрь куни соат 18:00 да тўхтатилади.

Талабгорлар танловда иштирок этиш учун буюртманома берилишидан олдин ер участкасига бўлган ҳуқуқ минимал қийматининг 10 фоизи миқдоридаги закалатни закалат келишувига асосан танлов ташкилотчисининг мазкур билдиришномада кўрсатилган банк ҳисобрақамига тўлашлари шарт.

Танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Ўзбекистон тумани ҳокимлиги биносида 2012 йил 4 декабрь куни соат 11:00 да очилади, 2012 йил 4 декабрь куни соат 16:00 да мазкур ҳокимлик биносида танлов ғолиби аниқланади. Комиссия томонидан танлов таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор танлов ғолиби деб топилади.

Ер участкаларига бўлган чекланган (мажбуриятлар олинган) ҳуқуқлар мавжуд эмас.

**Танлов ташкилотчиси** - "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ Фарғона вилояти филиали. Танлов ташкилотчисининг манзили: Фарғона вилояти Фарғона шаҳар Б.Марғиноний кўчаси 35-уй, "Биржа маркази" биноси. Тел/факс: (8-373) 224-68-70, электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz. Расмий сайтимиз: www.1kms.uz. **Лицензия № RR** 0001.

Танловда қатнашиш истагида бўлган талабгорлар танлов ташкилотчисидан танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдоридаги ҳақ эвазига олади.

Талабгорлар танловда иштирок этиш учун танлов ташкилотчисига буюртма хат билан бирга қуйидаги ҳужжатлар илова қилинган буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

- юридик шахслар - давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда унинг танловда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;
- жисмоний шахслар - паспорт нусхаси (якка тадбиркор сифатида фаолият юритаётган жисмоний шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси), танловда ваколатли вакил қатнашганда ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;
- танлов ташкилотчисининг банк ҳисобрақамига закалат тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатидан нусха;
- танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ тузилиб, муҳрланган конвертларга жойлаштирилган икки нусхадаги танлов таклифлари.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг имзоси, агар талабгор юридик шахс бўлса, унинг муҳри ва ваколатли шахснинг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Танлов ҳужжатларини олиш учун тўловлар ва закалат пулини тўлаш учун танлов ташкилотчисининг банк реквизитлари: "Халқ банки" Фарғона вилояти филиали, амалиёт бўлими, ҳ/р: 20208000004920609011, МФО: 00497, СТИР: 207122519.

Танлов ҳужжатлари ва қўшимча маълумотлар олиш мумкин бўлган манзил: Фарғона вил. Фарғона ш. Б.Марғиноний кўчаси 35-уй, "Биржа маркази" биноси.

Хоразм Вилояти

# ЯШАРАЁТГАН УРГАНЧ

**СЎНГГИ ЙИЛЛАРДА УРГАНЧ ШАҲРИДА БУНЁДКОРЛИК, ОБОДОНЛАШТИРИШ, КЎКАЛАМЗОРЛАШТИРИШ СОҲАСИДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИШЛАР ХАЛҚИМИЗНИНГ УЛКАН ЯРАТУВЧАНЛИК КУЧ-ҚУДРАТИНИ, БУНЁДКОРЛИК САЛОҲИЯТИНИ НАМОЁН ЭТМОҚДА. МУҲТАРАМ ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ЖОРИЙ ЙИЛ 9 ОКТЯБРДА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ СЕССИЯСИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИДА ҲАМ КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА ВИЛОЯТДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ОБОДОНЛАШТИРИШ ИШЛАРИГА АЛОҲИДА ТЎХТАЛИБ ЎТДИ.**

Урганч шаҳрини замонавий шаҳарсозлик талаблари асосида қайта қуриш ишлари Президентимизнинг "Шаҳарлар, шаҳарчалар ва қишлоқ аҳоли пунктларининг бош режаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жараёнларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори асосида тасдиқланган дастур доирасида умумий қиймати 112 миллиард сўмни ташкил этадиган лойиҳа асосида олиб борилаётир. Дастурга мувофиқ Хоразмий кўчасида ҳар бири тўрт-беш қаватли 12 та турар-жой биноси, 10 та савдо ва маиший хизмат кўрсатиш объектлари, шунингдек, мазкур кўчанинг марказий чорраҳасида 4 та замонавий супермаркет, 38 та сервис ва хизмат кўрсатиш объектларида ишлар поёнига етказилмоқда. Шаҳар марказида қурилиб, сўнгги пардозлаш ишлари олиб борилаётган уч қаватли 26 та турар-жой, ҳар бири 25 ўринли 3 та меҳмонхона, 2 та ёпиқ сув ҳавзаси, болалар ўйин майдончалари шаҳар ҳуснига ҳусн қўшмоқда.







Шаҳарнинг Ўзбекистон кўчасида эса катта сайилгоҳ ташкил этиш режалаштирилган бўлиб, бино ва иншоотлар қурилишида миллий меъморчилигимиз ҳамда замонавий архитектура услубларидан кенг фойдаланилган ҳолда пиёдалар учун йўлакчалар қуриш, ирригация ва тунги ёритиш тизимлари барпо этиш, воҳа иқлим шароитига мос манзарали дарахт кўчатлари ўтказиш, анвойи гуллар экиш ишлари давом этмоқда. Шунингдек, маҳаллий тадбиркорлар томонидан 29 та миллий ҳунармандчилик шохобчаси, меҳмонларга эсдалик буюмлари сотиш дўкони, кафе, китоб дўкони қурилиши жадаллик билан олиб борилмоқда. Сайилгоҳ қурилишида "Глобал Хоразм Констракшн", "Бунёдкор", "Қутлуғ Қадам" масъулияти чекланган жамиятлари ва "Арк" хусусий фирмасининг ишчи ходимлари фаолият олиб бораётир. Шуниси эътиборлики, қурилиш-монтаж ишларини амалга ошираётган бунёдкорларнинг кўнгилли дам олиб, маданий ҳордиқ чиқаришлари учун бир қатор қулайлик ва шарт-шароитлар яратилган.

Ободонлаштириш дастурига замон талабларига жавоб беролмай қолган 32 гектар майдонни эгаллаб турган "Ёшлар кўли" дам олиш маскани ҳам киритилган бўлиб, ҳозирда бу ерда ҳам бунёдкорлик ишлари олиб борилмоқда. Икки томондан Амир Темур номли маданият ва истироҳат боғига туташ бўлган бу масканда 18 та аттракцион ва бир қанча хизмат кўрсатиш шохобчалари барпо этилмоқда. Боҳаво кўл бўйидаги иншоотлар қурилиши ва кўриниши жиҳатидан бир-бирини такрорламайди. Оролчаларга Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарларидаги тарихий-меъморий ёдгорликларнинг кичик макетлари қўйилган бўлиб, бу жойни томоша қилувчилар ўзларини қадимий шаҳарларимизга саёҳатга чиққандек ҳис этади. "Кичкинтойлар боғи"да очиқ сув ҳавзаси қуриш ишлари олиб борилмоқда. Урганч шаҳрининг кўркига кўрк қўшувчи ушбу мажмуада 10 миллиард сўмга яқин ҳажмда қурилиш ва ободонлаштириш ишлари кўзда тутилган бўлиб, бунёдкорлик ишлари тугатилгач, дам олиш маскани Амир Темур номли маданият ва истироҳат боғи билан қўшилиб, яхлит комплексни ташкил этади ва шаҳар марказидаги энг боҳаво катта ва обод сайилгоҳга айланади.

Шунингдек, шаҳарнинг қиёфасини безаб турган Тошкент ахборот технологиялари университетининг Урганч филиали учун бунёд этилган муҳташам янги ўқув биноси, унга қўшимча олийгоҳ талабалари учун қурилиши мўлжалланаётган 160 ўринли талабалар турар-жойи биноси ўзининг ҳашамдорлиги билан шаҳар чиройини янада очиши аниқ.

Булардан ташқари, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 1 миллиард 800 миллион сўм маблағ ҳисобидан шаҳарнинг канализация тармоқлари реконструкция қилиниб, ал-Хоразмий кўчасида уч километрдан зиёд ичимлик суви тармоғи ўтказилгани, марказий кўчалар ва ирригация тизимлари босқичма-босқич таъмирланаётгани шаҳар инфратузилмаси такомиллашувига хизмат қилади. Аввалдан қурилган 70 та кўп қаватли уй-жойларнинг капитал ва жорий таъмирланиб замонавий қиёфа касб этаётгани шаҳар ҳуснини янада очиб юборди.

Сирасини айтганда, Урганч шаҳри катта қурилиш майдонига айланган. Чунончи, эндиликда Урганч темир йўл вокзалининг капитал реконструкция қилиниши, янги перрон ва очиқ ёзги павильон қурилиши, вокзал олдидаги майдонда кўркам хиёбон, автомобиллар бекати ва фавворалар барпо этилиши, бозорлар, гузарлар, дўконларнинг бунёд этилиши Жалолиддин Мангуберди номли хиёбон ҳамда ал-Хоразмий, Беруний, аз-Замахшарий, "Авесто" боғ мажмуаларига қўшилиб яхлит бир обод жойга айланади.

**Холмурод ҚУРБОНОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

Бухоро Вилояти

▼ СОЛИҚ ТИЗИМИ

# ИНТЕРАКТИВ ХИЗМАТЛАР — ҲАР ЖИҲАТДАН ҚУЛАЙ

**Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан кўрсатилаётган интерактив хизмат турлари солиқ тўловчиларга қулайлик яратиш, саводхонлигини ошириш, вақтини тежаш, соҳа янгиликларини мунтазам равишда етказиш, вужудга келаётган муаммоларнинг тезкорлик билан ечимини топишда муҳим аҳамият касб этаётир.**

Қўмитанинг www.soliq.uz расмий сайтида жойлаштирилган ушбу интерактив хизматлардан солиқ тўловчилар ва фуқароларимизнинг самарали фойдаланишлари учун барча имкониятлар яратилган. Ҳозирда молиявий ва солиқ ҳисоботларини электрон кўринишда қабул қилиш, қайта ишлаш, солиқ тўловчини рўйхатдан ўтказиш юзасидан аризаларни расмийлаштириш ва солиқ тўловчининг идентификация рақамини бериш сингари муҳим соҳалар билан бирга интерактив хизматлар тизимида солиққа оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисидаги маълумотлар ҳам тақдим этиб борилмоқда. Жумладан, Бухоро тумани Давлат солиқ инспекциясида ҳам солиқ тўловчилар томонидан ҳисоботларни электрон тарзда топшириш учун барча шароитлар яратиб берилмоқда. Бу ерда солиқ тўловчилар томонидан электрон ҳужжат айланиши орқали тақдим этилган ҳисоботларни қабул қилиш ва уларга ишлов бериш учун ҳисоботларни қабул қилувчи бўлимда алоҳида электрон манзилга эга бўлган, туман ДСИнинг локал тармоғига уланган электрон ҳужжатларни қабул қилиб олувчи компьютер ўрнатилди. Бугунги кунда ушбу компьютер орқали барча электрон ҳисоботлар узлуксиз равишда қабул қилинмоқда.

Солиқ тўловчилар ҳисобот топширишнинг электрон усулини маъқул кўришмоқда. Негаки, электрон рақамли имзога эга солиқ тўловчилар солиқ инспекциясига бормай туриб, интернет тармоғи орқали ҳисоботини бир зумда топшириш имкониятига эга бўлмоқда.

Аҳамиятлиси, Давлат солиқ қўмитаси томонидан йўлга қўйилаётган бундай интерактив хизматлар нафақат солиқ тўловчилар учун, балки биз учун ҳам кўпгина қулайлик ва енгилликлар туғдирмоқда. Шу боис, туманимизда электрон ҳисоботларни тақдим этишнинг афзаллик жиҳатлари хусусида тез-тез семинарлар ўтказиш йўлга қўйилган бўлиб, солиқ тўловчиларнинг ўзлари унда фаол иштирок этмоқдалар.

**Санжар ҲУСЕНОВ,**
**Бухоро тумани ДСИ бошлиғи ўринбосари.**

○ Реклама ва эълонлар

Маҳсулот сертификатланган

LIZINGGA SOTILA MAN



+998(71) 148 8080

JV MAN Auto-Uzbekistan
г. Ташкент, ул. М. Улугбека, 30.
Тел. : (998-71) 148-80-80.
Факс: (998-71) 268-56-25.
e-mail: info@man-mn.uz
www.man-mn.uz
MAN

Сертификатланган
SUVMASH
ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ
ISO 9001:2008

НАСОСЛАР
тайёрлайди ва таъмирлайди
"ЭЦВ" РУСУМЛИ ҚУДУҚҚА МЎЛЖАЛЛАНГАН
"Д" РУСУМЛИ ЁТИҚ
"К" РУСУМЛИ ТАГЛИККА ЎРНАТИЛГАН
"НК" НЕФТЬ НАСОСЛАРИ
НАСОС СТАНЦИЯЛАРИ
шунингдек, уларнинг эҳтиёт қисмлари.

Ўзбекистон Республикаси, 100182, Тошкент ш., Ҳусайн Бойқаро кўчаси, 13.
Тел:(998-71) 295-13-00; 295-06-35; 295-06-37; 295-19-08 Факс:(998-71) 295-51-08;
E-mail: office@suvmash.uz; suvmash@mail.ru, sales@suvmash.uz, www.suvmash.uz

Тошкент ш. Учтепа т. ТСРЎИда (21.12.2009 й., реестр № 003351-01) рўйхатга олинган "MUHSIN MUZROB" МЧЖга (ИНН 301411824) тегишли бўлган Гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент ш. Учтепа т. ТСРЎИда (21.10.2011 й., реестр № 001038-01) рўйхатга олинган "ZAYNUR-SAVDO" ХКга (ИНН 206537950) тегишли думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент ш. Учтепа т. ТСРЎИда (22.02.2012 й., реестр № 0111147) рўйхатдан ўтган якка тартибдаги тадбиркор Ортыкова Уголхонга (ИНН 602269080) тегишли Гувоҳнома (Патент) йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент ш. Шайхонтоҳур т. ҳокимининг 13.02.2002 й.даги 138-сонли қарори билан рўйхатга олинган "ASILBEK SADOSI" ХФнинг Гувоҳномаси ва бошқа таъсис ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент транспорт касб-ҳунар коллежи томонидан 16.06.2009 й.да Имамов Рустам Султонмуратович номига берилган К № 1436283 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Утерянную гувохному (патент) реестр № 0808554, выданную 08.06.2012 г. отделом гос. регистрации субъектов предлринимательства хокимията Чиланзарского р-на г. Ташкента на имя Хамидова Илхома Исроилжон ўғли, считать недействительным.

Тошкент ш. Учтепа т. ТСРЎИда (30.06.2010 й., реестр № 0108536) рўйхатга олинган якка тартибдаги тадбиркор Иноятов Умид Хасановичга (ИНН 490113625) тегишли Гувоҳнома (Патент), думалоқ муҳр ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Гиясов Жамшид Хикматуллаевич номига берилган Тошкент ш. Учтепа т. Чилонзор-23 5-уй 76-хонадоннинг кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

ООО "GOLD RAIN" (ИНН 302213208), Чиланзарского р-на г. Ташкента сообщает об уменьшении уставного фонда с 357 773 160 сум до 94 603 160 сум.

Утерянный аттестат № U № 3448261, выданный в 2008 г. шк. № 121 М Улугбекского р-на г. Ташкента на имя Хатамова Мирзо Улугбека Азимжоновича, считать недействительным.

Тошкент ш. Ҳамза т. ТСРЎИ томонидан (12.04.2012 й., реестр № 003800-07) рўйхатга олинган "CARBIDE INVEST" МЧЖнинг номи "BEST MEGA BUSINESS" МЧЖга ўзгартираётганини ҳамда "CARBIDE INVEST" МЧЖнинг ҳуқуқий вориси сифатида эътироф этилишини маълум қилади. Даъволар 1 ой муддатда 126-01-25 тел. рақами орқали қабул қилинади.

ООО "AKMAL-AKBAR SAVDOSI" (ИНН 300967838), зарегистрированное отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Юнусабадского р-на (№ 004173-10 от 22.10.2008 г.), расположенное по адресу: Юнусабад-10 д. 8 кв-ра 73, ликвидируется (решение учредителя № 1 от 28.09.2012 г.). Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня публикации объявления по тел.: 387-18-70.

Тошкент ш. Юнусобод т.даги "XAMIDULLO BIZNES" МЧЖнинг Устав фонди 59 700 000 сўмдан 39 700 000 сўмга камайтирилганини маълум қилади. Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 136-50-00 тел. орқали қабул қилинади.

МАХСУС ВА ОДДИЙ ТРАКТОРЛАР!
Барча тракторлар корхонанинг Тошкентдаги омборхонасида мавжуд
• Экскаватор-погрузчик ЭП-Ф-П (Б) бульдозер
• Бульдозер погрузчик БЛ-750
• Экскаватор-погрузчик цепной ЭП-Ф-Ц
• Асфальторез • Подъемник БЛ-09
• "Беларусь" (МТЗ)-80х, 80.1, 82.1, 1025.2, 1221.2
• Запасные части к тракторам "Беларусь"
• Шины различных моделей
маҳсулот сертификатланган
Т.: (+99893) 501 6911, (+99871) 252 1629, 256 0955. E-mail: toglar_uz@mail.ru www.toglar.uz

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирлик ва идоралар.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Зафар РЎЗИЕВ, Улуғбек УЗОҚОВ, Фарҳод ОМОНОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Муса АНОРБОЕВ, Абдиваҳоб ТАМИКАЕВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Суннат САЙДАЛИЕВ, Омонулла ЮНУСОВ, Анвар ҚУЛМУРОДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Ренат НАЗАРОВ, Шерзод ҒУЛОМОВ, Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (Масъул котиб).

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

ISSN 2010-7021

ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона — 236-58-83, Котибият — 233-95-17, Аграр масалалари бўлими — 233-76-78, Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими — 236-56-30, Маънавият ва маърифат бўлими — 236-56-21, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 233-28-04, Факс — 233-44-43, 233-28-04, 233-09-93.

ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР: Қорақалпоғистон Республикаси – (+99890) 728-09-78; Андижон – (+99893) 630-73-03; Бухоро – (+99891) 247-29-59; Жиззах – (+99890) 297-44-09; Навоий – (+99891) 537-14-36; Наманган ва Фарғона – (+99890) 278-95-87; Самарқанд – (+99891) 537-24-95; Сирдарё – (+99894) 168-23-60; Сурхондарё – (+99890) 519-86-50; Тошкент – (+99890) 976-39-58; Хоразм – (+99890) 438-71-25; Қашқадарё – (+99891) 635-08-03.

Реклама ва эълонлар – 236-58-83, 233-28-04.
Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар

Навбатчи муҳаррир: А.НУРУЛЛАЕВ
Мусаҳҳиҳ: О.ОЧИЛОВ
Дизайнер: М.БОБОМУҲАММЕДОВА

Газета сешанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Буюртма Г-1014, ҳажми 2 босма табоқ.
Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.
Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 21.20
15556 нусхада босилди. Нашр индекси — 144

Манзилимиз: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй
E-mail: info@qishloqhayoti.uz qh02@rambler.ru
Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.
"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

2 3 4 5